ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Гос. книжная палата УзССР
300695

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

14 июнь, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда
№ 112 (1114)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) тасвирга олган.

***13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонларни Ўзбекистондаги бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш жараёни билан таништирар экан, ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги муҳим йўналишлар — хусусийлаштириш, пул қадрсизланишининг олдини олиш ҳамда миллий валютанинг қудратини ошириш, иқтисодий тизимни тубдан янгилаш борасида амалга оширилаётган тадбирларга алоҳида тўхталди.

Акира Нишигаки ҳукумат ташкилоти бўлган ўзининг жамғармаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга амалий кўмак беришга, жумладан, телекоммуникацияни ривожлантириш лойиҳаси учун узоқ муддатли кредит ажратишга тайёрлигини билдирди. Ушбу кредит Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга берилмоқда ва бу келгуси ҳамкорлигимиз учун муҳим омил бўлади, дея таъкидлади у.

Суҳбат чоғида транспорт, сайёҳлик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳақида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Қабул чоғида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

(ЎзА)

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

«Ватан тараққиёти» партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессияси якунларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Мазкур масала юзасидан партия раиси А. Йўлдошев маъруза қилди.

Пленум партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси фаолиятини кўриб чиқиб, унинг ишини қониқарли деб топди.

Пленум, шунингдек, ташкилий масалани кўриб чиқди. Партия Марказий Кенгашининг бош котиби лавозимида ишлаб келган Ш. Жўраев бошқа ишга ўтгани муносабати билан ўз аризасига кўра вазифасидан озод қилинди.

(ЎзА)

*• Вазирлар Маҳкамасида*

## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ВИЖДОН ИШИ

***12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш, фан, маданият ва техника мажмуалари, шунингдек, туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгашнинг қўшма йиғилиши бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, тегишли идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари қатнашди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, санитария-эпидемиология хизматини янада яхшилаш, шунингдек, сайёҳликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Тегишли вазирликлар ва ташкилотлар раҳбарларининг, айрим вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Йиғилишда мазкур соҳаларда муайян ишлар бажарилганини қайд этган ҳолда, бу борада жиддий нуқсонларга йўл қўйилгани таъкидланди. Жумладан, ўтган йили мавсум охирида кўпгина ўқувчилар оромгоҳлари ҳувиллаб қолди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида мавсум бошида 20 та болалар соғломлаштириш лагери фаолият кўрсатган бўлса, учинчи сменада улардан атиги саккизтаси ишлади. Бундай ачинарли ҳол Сурхондарё, Жиззах ва бошқа вилоятларда ҳам рўй берди. Натижада республика бўйича оромгоҳларда дам олиши режалаштирилган жами боланинг 72 фоизигина имкониятдан фойдаланди.

Бу йилги мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудидаги соғломлаштириш, меҳнат-роҳат, спорт лагерларида, шунингдек, мактаблар қошидаги оромгоҳларда мавсум давомида 400 мингдан ортиқ ўқувчи дам олиши кўзда тутилган. Барча масканлар шу йил 5 июнга қадар тўла таъмирланиб, зарур моддий-техника жиҳозлари, дори-дармон, дезинфекцияловчи моддалар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган бўлиши лозим эди. Аммо текширишлар кўзланган мақсадга эришилмаганини, кўпгина вилоятларда маблағ етишмаслиги баҳонасида таъмирлаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетгани, шу боис лагерлар биринчи сменага болаларни тўла қабул қилолмаётгани, аксарият оромгоҳларда маданий ва спорт инвентарлари, бошқа зарур ашёлар етишмаслигини кўрсатди.

Ачинарли жиҳати шундаки, ёзги соғломлаштириш лагерларининг сони ўтган йилга нисбатан камайиб кетган. Ўнлаб болалар оромгоҳлари ёпиб қўйилган. Йиғилишда жойларда комиссиялар тузиб, лагерларни мавсумга тайёрлашни қисқа муддатларда тугаллаш, вилоятларда мавжуд барча ёзги болалар оромгоҳларининг тўла ишга тушишига эришиш, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини бепул йўлланмалар билан таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Зеро, болаларга ғамхўрлик қилмоқ бу — виждон иши, ватан келажаги учун қайғурмоқдир.

Мактабларни янги ўқув йилига ва қишга тайёрлаш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Ҳануз бугунги талабларга жавоб беролмайдиган мактаб бинолари мавжудлиги фактлар асосида танқид қилинди. Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари мактабларни таъмирлаш, янги бинолар қуриш ишига жиддий эътибор қаратишлари лозимлиги қайд этилди.

Анжуманда республикамиз санитария-эпидемиология хизмати фаолияти юзасидан ҳам бир қанча танқидий фикрлар билдирилди. Жумладан, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳануз айрим сув манбаларимизда тозалаш ишлари яхши йўлга қўйилмаяпти. Ичимлик сув билан таъминланмаган қишлоқларнинг аҳолисига сувни ташиб келтириш қониқарсиз ташкил этилган. Кўпгина аҳоли пунктларининг санитария талабларига жавоб бермаслиги, чиқинди ва оқаваларни очиқ сув ҳавзаларига ташлаш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг озода бўлишига эришиш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўчада сотишда тартиб ўрнатишда, уларнинг сифатини назорат қилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Кўплаб сотувчилар санитария-гигиена қоида ва меъёрларига етарли амал қилмаётир. Кўча ва майдонларда касаллик тарқатиш манбаи бўлмиш ахлат уюмлари тўпланиб қолиши ҳоллари учрамоқда. Бу эса турли юқумли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда мамлакатимизга ўта юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш бунинг учун телевидение ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишлари олиб бориш кераклиги уқтирилди.

Йиғилишда, шунингдек, Президентимизнинг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори бажарилиши юзасидан ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА)

## ПОЙТАХТ ЯНАДА ГЎЗАЛЛАШАДИ

***12 июнь куни Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.***

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қароридан сўнг мазкур ҳудудда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари бошланиб кетди. Жумладан, Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой-Чиғатой, Бобожонов кўчаларини қайта қуриш ва кенгайтириш борасида талай ишлар бажарилди. Тегишли лойиҳалаш институтлари тақдим этган шинам ва кўркам уй-жойлар лойиҳалари асосида ҳамшаҳарларимиз учун кўп қаватли уйлар қад ростлади ва ростламоқда. Замонавий қурилиш талаблари асосида бунёд этилаётган хонадонларга эски уй-жойларда истиқомат қилаётган пойтахтликлар бажонидил кўчиб ўтишмоқда. Янги уйлар атрофида маиший хизмат кўрсатиш, алоқа шоҳобчалари, савдо дўконлари, тиббиёт муассасалари бунёд этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Ислом Каримов хонадонларда бўлиб, эскишаҳарликлар билан суҳбатлашди. Янги қурилган замонавий уйлардан бирини бориб кўрди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи теграсида бунёд этилаётган иншоотларда бажарилаётган ишлар кўлами билан ҳам танишди.

Президентга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

(ЎзА)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АХБОРОТИ

Сўнгги кунларда хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида Афғонистон Марказий банки бошқарувчисининг ўринбосари Абдулқодир Фитратнинг баёноти эълон қилинди. Унда ана шу давлат ҳудудида гўё Ўзбекистонда тайёрланган сохта пуллар пайдо бўлгани ҳақида гапирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги очиқдан-очиқ сохта миш-мишларни тарқатиш икки давлатнинг яхши қўшничилик руҳига, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик ва тинч-тотув яшаш қоидаларига мос келмаслигини ҳисобга олиб, бундай нодўстона воқеа муносабати билан норозилик билдирди.

Афғонистоннинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Саид Аламуддин Асир шу йил 13 июнь куни республика Ташқи ишлар вазирлигига таклиф этилди ва унга мазкур норозилик баён қилинди ҳамда Афғонистон расмий ҳокимияти сохта миш-мишлар тарқалиши факти юзасидан Ўзбекистон томонига тушунтириш беради, деган истак айтилди.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 13 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 14,17 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 28,90 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 14 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 20,75 | 10 Португалия эскудоси | 1,96 |
| 1 Австрия шиллинги | 2,94 | 1 Сингапур доллари | 20,76 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 46,12 | 1000 Туркия лираси | 0,67 |
| 10 Бельгия франки | 10,05 | 1 Финляндия маркаси | 6,75 |
| 1 Голландия гульдени | 18,47 | 4 Франция франки | 5,87 |
| 10 Греция драхми | 1,28 | 1 Швеция кронаси | 4,00 |
| 1 Дания кронаси | 5,29 | 1 Швейцария франки | 25,10 |
| 1 АҚШ доллари | 28,90 | 1 ЭКЮ | 38,10 |
| 1 Миср фунти | 8,46 | 10 Япония иенаси | 3,45 |
| 1 Ирландия фунти | 47,09 | 1000 Россия рубли | 5,88 |
| 1 Исландия кронаси | 0,46 | 1 Эстония кронаси | 2,57 |
| 10 Испания песети | 2,38 | 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 100 Италия лираси | 1.74 | 1 Латвия лати | 56,12 |
| 1 Канада доллари | 20,97 | 1 Литва литы | 7,23 |
| 1 Кувайт динори | 96,75 | 1 Қозоғистон тенгеси | 0,45 |
| 100 Ливан фунти | 1,78 | 1 Молдова лейи | 6,34 |
| 1 Германия маркаси | 20,66 | 1000 Беларусь рубли | 2,51 |
| 1 Норвегия кронаси | 4,64 | | |

Марказий банк 1995 йил 14 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,90 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,90 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

*• Ғалла мустақиллиги йўлида*

## БОҒЛАР БАҒРИ ҲАМ БУҒДОЙЗОР

***Ҳамма жойда бўлгани каби Китобда ҳам ислоҳотларнинг самараси яққол сезилмоқда. Боғ-роғлар, унумдор ерларга эга бўлган туманни узоқ йиллар бутунлай пахта эгаллаб келди. Истиқлол шарофати билан ғаллазорлар кўпаймоқда. Ғалладан мўл ҳосил олиняпти. Боғлар қатор орасига экилган буғдойдан ҳам юқори ҳосил кутиляпти.***

Бундан тўрт-беш йил бурун бошоқлари чайқалиб ётган ғаллазорларни тасаввур қилиш қийин эди. Бир неча минг тонна ғалла асосан тоғ ёнбағирларида, адирларда етиштириларди. Иқлими қулай, икки кифтидан икки дарё шовуллаб оқаётган Китобнинг қулф уриб турган боғ-роғларидаги унумдор ерларда бир неча йилдан буён мўл дон етиштирилаяпти.

Ўтган йили илк бор 13 минг тонна дон тайёрланиб, 7 минг тоннаси давлатга топширилди.

— Китобликлар азалдан деҳқончиликда пешқадам бўлиб келишган, — дейди туман ҳокими, Республика Олий Мажлиси депутати Озод Пармонов. — Қарши дашти ўзлаштирила бошланганда китоблик деҳқонлар ўз тажрибаларини чўлқуварларга ўргатишганини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ. Икки-уч йилдан буён ижобий ўзгаришлар янада кўпайди. Маълумки, туманда боғ-роғлар анчагина. Энг кўп узум ва сабзавот шу ерда етиштирилади. Жами 12 минг гектар суғориладиган ерларнинг анчаси бедапоялардир. Ўтган кузда биринчи бор 7,7 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экдик. Лалми ерлар билан қўшиб ҳисоблаганда, 16 минг гектарга яқин ғаллазор бор. Агар 20 минг тонна ғалла етиштирсак, туман аҳолисини дон билан тўла таъминлашимиз мумкин бўлади. Бу йил камида 36 минг тонна дон етиштириш, шундан 23 минг тоннасини давлатга топширишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари 3800 тонна уруғлик ҳам тайёрлашимиз керак. Демак, яна янги имкониятлар излашимиз зарур. Қишлоқни саноатлаштиришга киришганмиз. 20 минг тонна сабзавотни консервалайдиган корхоналаримиз бор. Иккита шароб цехи, мева қуритиш, учта сутни қайта ишлаш ва ёғ корхоналари ишлаб турибди. Одамларни иш билан таъминлабгина қолмай кўпроқ маҳсулот етиштириш чораларини ҳам кўраяпмиз.



— Туманимиз шароитида ғалла ўрнига такрорий экинлар экишнинг аҳамияти катта, — дейди туман деҳқончилик уюшмаси бошлиғи Неъмат Ҳолиқов. — Чунки экин майдони кам. Аҳоли сони ортиб бораяти. Ғалла ҳосилдорлиги вилоятда энг юқори — 31,4 центнер. 1000 гектар ердаги арпа ҳосилдорлиги бу йил ўртача 30-35 центнердан, айрим жойларда 45-50 центнердан тўғри келяпти. Ҳосилдан бўшаган 500 гектар ерга пахта экдик. 100 гектар майдонга тамаки экилмоқда. Яна ловия, мош экамиз. 1550 гектар майдонни аҳолига экин экиш учун шартнома асосида берамиз. Камида 1000 гектар ерга маккажўхори экилади.

Олтинга монанд бўлиқ бошоқларни комбайнлар бир текисда ўриб бораётган ғаллазорда Шодмон Умаров номли хўжалик бошлиғи Абдураҳмон Маллаев билан суҳбатлашдик.

— Қаранг, ҳосил бўлиқ, тош босади, — дейди у. — Жами 960 гектар еримиз бор. Шундан 760 гектари суғориладиган ер. Ҳосилдорлик ўртача 35 центнердан кам бўлмайди. Убай Асқаров бошлиқ бригаданинг 8 гектар майдонидаги буғдойнинг ҳар гектаридан 48 центнердан дон ўриб-янчиб олдик. Хушвақт Рўзиев, Болта Жўраев каби комбайнчиларимиз яхши меҳнат қилишаяпти. Ғалладан бўшаган 50 гектар жойга пахта экдик. 30 гектар жой тамакизор бўлади. Сомонни пешмапеш чорва фермасига ташиб бераяпмиз. Чорвачилик ҳам фойдали тармоққа айланмоқда. Тошкентдаги «Фарҳод» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона — сутни қайта ишлаш заводи қурдик. Суткасига 2,5-3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга корхонамизда бошқа хўжаликларнинг маҳсулотини ҳам қабул қиламиз. Бу йил дон ҳам мўл, сомон ҳам. Демак, сут, гўшт кўпаяди...

Тадбиркор бошлиқ билан хайрлашиб, ғаллазорлар мавжланаётган Макрид дашти томон йўл олдик. «Қишлик», «Зарафшон» хўжаликларида лалми ғалла жадаллик билан йиғиб олинмоқда. Бир пайтлар қақраб ётган даштнинг анча қисмида боғлар, суғориладиган экинзорлар қулф уриб ётибди.

Китоб — қадимдан деҳқончилик бешигини тебратгани рост. Келгусида ғаллачиликда ҳам катта натижаларни кутиш мумкин. Туманда 1,5 минг гектар боғ бор. «Навбаҳор», Жавли Турдиев номли хўжаликларда боғ қатор ораларига ҳам буғдой экишибди. Мевани олиш учун очиқ қаторлар қолдирилган. Ҳосилдорлиги 30-35 центнердан кам бўлмайди.

Энди океан оша, баҳри муҳитларни кечиб юртимизга дон ташишга ҳожат йўқ. Зар битадиган тупроғимизда халқимизнинг насибаси унади. Фақат уни эъзозласак, асрасак бас.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

**СУРАТДА: Шодмон Умаров номли жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдураҳмон Маллаев ва комбайнчи Болта Жўраевлар.**
**Э. ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.**

• *Ислоҳот одимлари*

***Индонезия, Сингапур, Малайзия сингари мамлакатларда миллий даромаднинг 70-80 фоизини халқаро туризмдан келадиган тушумлар ташкил этади. Самарқандда ҳам туризмни ривожлантириш бўйича кўп ишлар қилиняпти.***

# САМАРҚАНД УСЛУБИ

**(ИККИНЧИ МАҚОЛА)**







## ЮРТ ҚУДРАТИНИ БИЛМОҚЧИ ЭРСАНГИЗ, ҚУРИЛГАН ИМОРАТЛАРНИ КЎРИНГ

Шаҳар темир йўл вокзалининг янги муҳташам биноси қурилиши ушбу соҳадаги биринчи улкан қадам бўлди. (У икки йилда бунёд этилди). Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўн-ўн беш йил олдин, «гуллаган социализм» йилларида бундай иншоотни тиклаш учун камида беш-ўн йил керак бўларди, шунда ҳам Москвага беш-олти марта қатнаб, Кремлнинг ҳамма эшикларига кириб, Госпланнинг остонасида сарғайиб, розилик ололсангиз.

Яқиндагина фойдаланишга топширилган 13 қаватли «Бизнес маркази»нинг оппоқ муҳташам биноси эса шаҳарнинг барча жойидан кўриниб туради. Зеро, у юксакликда, Тепақўрғондаги муаззам Кўксарой майдонида барпо бўлди. Уни ўзбек-югослав-швейцария қўшма корхонаси — «Самрад» бинокорлари тикладилар. Бир вақтлар Амир Темур қароргоҳи жойлашган шу майдонда ҳиндистонликлар томонидан бунёд этилган «Кўксарой» меҳмонхонаси қад кўтарди. Шу ердаги ўзбек драма театри қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Кўксарой майдони эса қуйиловчи фавворалар камалаклари оғушига чўмган дилочар манзилга айланди. Шу ердан Амир Темур хилхонасига элтувчи йўл кенгайтирилиб (бутун бир завод кўчирилди), мақбара атрофи таъмирланиб, у қадим ҳолига келтирилди.

Бошидан бир нарсани айтиб қўйиш лозим: Самарқандда қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳажми илгариги даврлардагидек давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори, уларни ўзлаштириш суръатлари билан эмас, балки аниқ, реал қилинган иш, тикланган иморат сону салмоғи билан ўлчанади. Сабаби-бунда «уни қуриб беринг, буни ҳал қилинг» қабилида боқимандалик билан давлатдан имдод кутиш йўлидан эмас, ишбилармону тадбиркорлар ҳимматидан, кўпчиликнинг ғайрату шиддатидан фойдаланиш йўлидан борилди.

Вилоят газеталарида кейинги пайтларда ҳар йили икки марта — Мустақиллик куни ҳамда Наврўз арафасида ушбу байрамлар муносабати билан барча шаҳар ва туманларда ишга туширилган иншоотлар рўйхати берилади. Биргина мисол. 1992 йил 1 сентябрда истиқлолимизнинг бир йиллиги муносабати билан эълон қилинган рўйхатда 200 га яқин иншоот бор. Булар шунчаки майда-чуйда иморатлар эмас: мактаблар, шифохоналар, боғчалар, озиқ-овқат комбинатлари, чойхоналар, йирик савдо марказлари...

Аввалги мақоламизда айтилганидек, Самарқанднинг 12 дарвозасини, яъни шаҳарга олиб кирувчи йўлларни тиклаш соҳасида ҳам ғоят журъатли йўл тутилди. Дастлаб Охунбобоев кўчаси шаҳар атрофидаги ҳалқа йўлга олиб чиқилди. Натижада аэропортдан бевосита шаҳар марказига олиб кирувчи янги, кенг ва равон шоҳкўча вужудга келди. Самарқандликлар уни «биринчи рақамли маршрут» деб аташади. Рамзийликни қарангки, бу йўл тўппа-тўғри Амир Темур мақбараси ёдгорлиги пойига элтади. Яъни шаҳар зиёратини айнан мана шу муқаддас даргоҳдан бошлаш мумкин. Иккинчи янги шоҳкўча — Садриддин Айний кўчасини тўғридан-тўғри Кўҳак орқали Чўпонота ҳалқа йўлига ва ундан кейин Катта ўзбек трактига олиб чиқади. Ана шу икки йўлнинг очилиши туфайли шаҳарга кириш ва чиқиш ғоят қулайлашди. Автомобиль қатнови тубдан ўзгариб, тартибга тушиб қолди. Бунинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, қадимий Афросиёб, Шоҳизинда хилхонаси, Хўжаи Ҳизр масжиди ёнидан ўтувчи қатнов камайди ва келгусида бу жойларни фақат пиёдалар қатновига мослаш имкони туғилди.

Азалдан шундай: қурилиш-бунёдкорлик деганда, кўпроқ йўл ва масжиду мадраса, шифохонаю оромгоҳ, хуллас, инсон заковати ва ҳаловатига хизмат қилувчи масканлар кўзда тутилади. Самарқандда бу ҳикмат унутилган эмас. Кичик бир мисол. 1993-1994 йилларда биргина Самарқанд туманининг ўзида замонавий услубда қурилган 21 та мактаб ишга туширилди. 1995 йилнинг Наврўз кунларида 40 та янги иншоот фойдаланишга топширилди. Янада батафсилроқ айтадиган бўлсак, туманда 1993 йилда 90 та, 1994 йилда 120 та иншоот қурилди. Булар, боя айтганимиз мактаблардан ташқари, 3 та замонавий жиҳозланган шифохона, ўнлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш заводлари, шунингдек, чойхоналар, стадионлар, тегирмон ва жувозхоналардир. Бу йил эса мазкур туманда Мустақиллик байрамигача яна 135 та янги иншоотнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Унинг 5 таси мактаб, 6 таси қайта ишлаш корхонасидир.

Дарвоқе, «Қурилиш — қурилиш учун» деган фикр пайдо бўлмаслиги боис яна бир рақамни келтириб ўтайлик: ўтган йили тумандаги янгидан бунёд этилган корхоналарда 240 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Иккинчи бир жиҳати шундаки, Самарқанд туманида ва бошқа шаҳару қишлоқларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари зўрма-зўраки ёки жонсараклик билан, кимўзарга олиб борилаётгани йўқ. Вилоят бўйича, шунингдек, барча туманларда бир йиллик ҳамда истиқболга мўлжалланган ишларнинг мукаммал дастурлари ишлаб чиқилган. Босмахонада чоп этилган ушбу чиройли ва мазмунли рисолани каттаю кичик раҳбарларнинг иш столида кўриш мумкин. Бу дастурларнинг бажарилиши эса вилоят ҳокимининг ҳар бир туманда мунтазам ўтказадиган таҳлилий йиғилишларида сатрма-сатр сарҳисоб этилади. Ана шу сарҳисоб ҳокимнинг муайян туманда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақидаги қарорида ўз аксини топади. Маҳаллий газеталарда чоп этиб борилаётган ушбу қарорлар, асосан, танқидий руҳда бўлиб, унда иқтисодий-ижтимоий ислоҳот ва шунингдек, қурилиш-ободончиликнинг бориши теран таҳлил қилиниб, аниқ-равшан вазифалар белгиланади.

Таҳлилларнинг нечоғлик амалий ва таъсирчан эканлигини шундан ҳам билса бўладики, шу жараёнда бир неча туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари вазифаларидан бўшатилдилар. Зеро, бу таҳлиллар давомида Президент Фармонларининг ижроси қатъий талабчанлик билан назардан ўтказилди. Қишлоқда газ, сув, томорқа, озиқ-овқат таъминоти, хусусийлаштириш, медицина, маиший хизмат масалалари, мактабу боғча, хуллас, барча муаммолар муҳокама қилинади ва кўпчилиги жойида ҳал этилади.

Вилоят ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Баҳриддин Ҳамроевни ишхонасидан топиш деярли мумкин эмас. У субҳи содиқдан қоронғи шомгача қурилиш майдонларида бўлади. Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, жамоалари орасидан алоҳида кишиларни ажратиб кўрсатмоқчи эмасмиз. Ҳамма бир жон-бир тан бўлиб ишлашга интилмоқда. Албатта, улар орасида «Ўзагротрансмахсусқурилиш» тресги бошлиғи Роза Налбандян, Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Моҳира Назарова, Ўзбекистон халқ депутати, 1-«Ўзагроқурилиш» тресги бошқарувчиси Шавкат Эсонов, хўжаликлараро қурилиш тресги бошқарувчиси Раим Насимов сингари таниқли бинокорлар бор.

Тасодифми ёки қонунийликми, Самарқанд вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов, унинг икки ўринбосари, шаҳар ҳокими Азиз Носировнинг ўзи ва яна тўрт ўринбосари, шаҳардаги ҳар учала туман ҳокимлари, ихтисосига кўра муҳандислар, яъни қурилишга бевосита дахлдор кишилардир. Шунингдек, шаҳар бош архитектори ҳам ҳоким ўринбосари ҳисобланади. Ургут, Булунғур, Оқдарё, Пахтачи туманлари ҳокимлари ҳам асли қурилишдан чиққан кадрлар. Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятнинг улкан қурилиш майдонига айланиши тасодифий эмас. Айни пайтда, бу ерда кадр танлашда қанақадир технократик йўл тутилган экан, деган эътироз пайдо бўлмаслиги лозим. Мана, қаранг, бошқа туманлар ҳокимлари орасида агроном, иқтисодчи, ўқитувчи, зоотехник, молиячи сингари касб эгалари бор. Гап шундаки, деярли барча соҳа вакилларининг билим ва маҳоратларидан фойдаланилмоқда, жамланиб, уйғунлаштирилмоқда. Қурувчилар кўпроқ эканига келсак, хўш, бунинг нимаси ёмон? Қайтанга бунда ажиб бир ҳикмат бор эмасми? Чунки ҳаётда қурувчининг иши тушмайдиган соҳа ёки қурувчига иши тушмайдиган соҳа йўқ, ахир. Қолаверса, раҳбарларнинг аксарияти ёш бўлишларига қарамасдан, фан номзодлари, турли бўғинларда ишлаб тажриба орттирган кишилардир. Демак, бу ерда раҳбарий тафаккурнинг чекланганлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда яна бир масала хусусида тўхталиш жоиз. Бугун ҳали турмуш нисбатан қийин, муаммолар бўлса-да, тадбиркорлик ила маблағ топиб, қурилишни юритишга интилаётганлар кўп. Аммо уларни меъморий жиҳатдан уйғунлаштиришни назорат қилиш ва йўналтириш, қадимий анъаналаримиз ҳамда замон талабларига мослаштиришда алоҳида зукколик талаб этилади. Айтайлик, Самарқанд шаҳрининг Уста Умар кўчасида шарқона услубда бунёд этилган расталар қаторига нари-бери қилиб тикланган иморат «тушиб» қоладиган бўлса, таъбни хира қилади. Биз бир пайтлар темир-терсак ва ойнадан қурилган, қишда совуқ, ёзда иссиқ дўкону ошхоналарга кўникиб қолгандик. Энди шукурки, бино қурсак, меъморий талаблардан ташқари, иқлим ва бошқа шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қилаяпмиз. Аммо бу борадаги зийраклик ва талабчанлик ҳали етарли эмас.

Ўтган йили Самарқандда Исмоил Бухорий даври ва таълимотига бағишланган Халқаро анжуман бўлганди. Ўшанда улуғ аллома мақбараси ёнида бунёд этиладиган Ислом дорилфунуни биноси лойиҳаси учун ўтказилган халқаро танловда германиялик меъмор Бодо Раш ғолиб чиққанди. Гарчанд самарқандлик меъмор Муҳаммаджон Аҳмедов танловда фахрий ўрин эгаллаган бўлса-да, бундан ўзига хос сабоқ чиқарилиши лозим, албатта. Шарқ меъморчилигининг маркази ўз шон-шавкатини яна тўла тиклаб олиши керак. Самарқанд шаҳрида қурилиши битаёзган Алишер Навоий музейи, Темурийлар ёдгорлиги мажмуи, Рудакий майдони ансамбли, Даҳбеддаги Маҳдуми Аъзам қадамжосининг меъморий ечимлари бу борадаги салмоқли қадамдир.

Самарқанд шаҳридаги автобус бекатларида тижоратчилар томонидан хусусий дўконлар қуришга рухсат берилди. Айни чоғда ҳар бир бекатнинг мукаммал лойиҳа асосида, ўзига хос шакл-шамойил билан тикланиши лозимлиги талаб қилинди. Натижада бир-биридан гўзал бекатлар ва уларда эса мўъжазгина кундалик зарурий моллар билан савдо қилувчи дўконлар қад ростлади.

«Самрад» фирмаси — қурилиш соҳасидаги халқаро қўшма корхоналарнинг қалдирғочларидан бири. Унинг муҳандис-техник ходимлари орасида Австрия, Югославия, Швейцариядан келган мутахассисларни учратиш мумкин.

Ушбу фирма томонидан тикланган «Бизнес-марказ» иморати кўрки ва сифати жиҳатидан Европадаги энг муҳташам бинолар билан баҳслаша олади. Ҳозирги кунда бу фирма Самарқандда Германиянинг «Фольксваген» автомобиль маркази биносини тикламоқда. Шунингдек, «Самрад» мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари ва ҳатто қўшни давлатлардан буюртмалар олиб ишламоқда.

«Самрад», «Ларсен энд Тубро лимитед» сингари қурилиш фирмалари Самарқандга Европадаги қадимий ҳамда замонавий бинокорлик услубларини олиб кирмоқда. Бу билан ўзимизда кечаги социалистик тузум шароитидан қолган бетондан нари-бери иморат тиклаш услуби ўртасидаги фарқ ер билан осмонча. Бироқ, барибир, бинокорликдаги шарқона услубга қадамба-қадам қайтилмоғи зарур. Бунда бинонинг қайси томони жануб ёки шимолга қаратилишидан бошлаб, қанақа қурилиш ашёсининг қай миқдорда ишлатилишигача аниқ-пухта ҳисобга олинмоғи зарур. Меъморий ёдгорликларнинг умрбоқийлиги сирларини аниқлаш ва тиклаш асосида бу йўлда изланишлар олиб борилмоқда. Аммо бу йўналишда қатъият ва изчиллик билан иш олиб борилиши зарур, деб ўйлаймиз. Самарқандда буни яхши тушунишади.

Ушбу тадбирларнинг самараси қизиқ бир ҳолатда кўринади. Бугун Самарқанд вилоятидаги аксарият туман марказлари қиёфаси бир жиҳатдан айнан ўхшайди. Ҳар қайсисига кираверишда икки томонлама равон йўл қурилиб, ўртасига гул экилган, баланд ёритгичлар ўрнатилган. Кўчанинг икки томонида хусусий дўконлар, тамаддихоналар, маиший хизмат ошиёнлари, бир сўз билан айтганда, инфраструктура. Албатта, бу ўхшашлик ҳар жиҳатдан мукаммал ва теран бўлса қанийди? Кўпгина туманларнинг қишлоқларида ҳали ечилмаган муаммолар мавжуд. Шу боис вилоят ҳокимлигининг таҳлилий йиғилишлари энди қишлоқларга кўчмоқда. Қишлоқларда ҳам шундай муштарак гўзаллик ва ободончилик бўлганига нима етсин!

Муштараклик ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта, бетакрорлик ва ўзига хослик ҳақида ҳам сўзлаш лозим. Шу нуқтаи назардан олганда, вилоятдаги бинокорлик услубида Ургут шаҳри ва туманининг алоҳида ўрни хусусида калом жоиз. Зеро, ўтган йили шаҳардаги қурилиш меъморлари ва бинокорларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига сазовор бўлганлигини яхши биламиз. Ургутга мамлакатимизнинг деярли барча вилоятлари, туманлари, шаҳар ва қишлоқларидан юзлаб раҳбарлар, мутахассислар тажриба ўрганиш учун келиб-кетдилар.

Бугунги Ургут қиёфасини тасвирлаб, узундан-узоқ баён ўқимоқчи эмасмиз. Бу ҳақда кўп ёзилди, ойнаи жаҳонда кўрсатилди, кинофильмлар намойиш этилди. Биз шу эзгулик мағзини мушоҳада ва таҳлил қилиб, ушбу тажрибанинг оммалаштиришга арзигулик томонларини кўрсатмоқчимиз. Ургут бинокорлигида меъмор лойиҳасидан тортиб, қурилиш ашёларигача шарқонадир. Бунда пишиқ ва хом ғиштдан бошлаб кошинни тахлашда шу усул қўлланилмоқда. Тоғларнинг мармаридан тортиб, сой харсангларигача «жонлантирилаяпти». Шаҳар кўчаларини айлансангиз, оқ-қизғиш, мовий, зангори тусдаги бир-биридан чиройли, бежирим иморатларни кўриб, ҳайратга тушасиз. Ургут дарвозаси, вилоят тиббий ташхис қўйиш маркази, савдо расталари ва дўконлар, бозору чойхоналар ғоят юксак дид ва беназир маҳорат намунасидир.

**Анвар ЖЎРАБОЕВ,**
**Ҳабиб ТЕМИРОВ.**

**Суратлар муаллифи: Ғулом АЛИЕВ.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ВАЗИРЛАР ХУЛОСАСИ ШУНДАЙ

***Босния серблари томонидан асирга олинган БМТ тинчликни таъминлаш кучлари аскарларини озод этиш учун яна бироз вақт зарур.***

Греция миллий мудофаа вазири Герасимос Арсенис ва ташқи ишлар вазири Каролос Папульяс Белград ва Пале шаҳарларида серб раҳбарлари билан музокаралар ўтказганидан сўнг ана шундай хулосага келишди.

### ҚЎПОРУВЧИЛИККА ҚАРШИ ҚОНУН

***АҚШ Конгресси мамлакатда қўпорувчиликка қарши курашни кучайтириш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди.***

Қонун чиқарувчилар тартибни сақлаш ташкилотларининг ваколатини кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳаларни маъқулладилар.

### КИМЁ ЗАВОДИДА ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

***Хитойнинг жанубида жойлашган кимё заводини ишга тушириш пайтида портлаш юз берди.***

Натижада 2 киши ҳалок бўлди, 20 нафардан ортиқ киши жароҳатланди. Портлаш юз берган пайтда заводда хорижий мутахассислар ва Хитой ишчилари бўлган эди.

### ПОЛКОВНИК БАЁНОТИ

***Венесуэла Президенти Рафаэл Кальдеринийнг қариндошларидан бири Уго Чавес яқин орада мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширамиз, дея баёнот берди.***

Ҳозирги пайтда Боливар инқилоб ҳаракати раҳбари бўлган полковник Уга Чавес 1992 йилда ҳам мамлакатда ҳарбий тўнтариш қилишга уриниб кўрган эди.

### АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ШАРОИТИ БИЛАН ТАНИШУВ

***Қирғизистон Президенти Асқар Акаев республика бўйлаб сафарга чиқди.***

У сафар давомида мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий шароити билан танишди. Қирғизистон раҳбари ўзи туғилиб ўсган Кеминск районида ҳам бўлди. Бу ерда у маҳаллий корхоналар, меҳнат жамоаси, фермерлар ҳамда ўқитувчилар билан учрашди.

### БОШ КОТИБ ҚАРШИ

***БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий собиқ Югославияга қўлланилаётган ҳарбий эмбаргонинг бекор қилинишига қарши чиқди.***

Унинг фикрича, эмбарго БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан қўлланилган, демак, фақат ушбу ташкилотгина мазкур қарорни бекор қилиши мумкин.

### ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

***АҚШ қонун чиқарувчиларининг катта гуруҳи Президент Билл Клинтондан Эронга нисбатан қўлланилаётган сиёсатни кучайтиришни сўраб, унга мактуб йўллашди.***

194 нафар конгресс аъзоси имзо чеккан мактубда Эрон халқаро қўпорувчилик ва инсон ҳуқуқларини таҳқирлаётганликда айбланган.

### ПЕЛЕ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

***Испания пойтахти Мадридда шаҳар телеканали «Антенна 3» билан Бразилия спорт ишлари вазири Эдсон Арантес до Насименто (афсонавий Пеле) ўртасида «Пелезиньо» деб номланадиган кўп қисмли мультфильмни суратга олиш ҳақида ҳужжат имзоланди.***

Фильмга Пеленинг болалиги асос қилиб олинган бўлиб, у 1996 йилнинг бошида экранларга чиқарилади.

### СУД ЖАРАЁНИ ЙИЛ ОХИРИДА НИҲОЯСИГА ЕТАДИ

***Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Ражив Гандига суиқасд қилганлар устидан қўзғатилган суд жараёни шу йилнинг охиригача ниҳоясига етади.***

Бу ҳақда ушбу жиноятни ўрганиб чиқаётган махсус гуруҳ аъзолари ҳукумат вакиллари билан учрашувда маълум қилди.

## МАҚСАД — ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖНИ ЎРГАНИШ

***Шу йил, 14 июндан 20 июнгача Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Халқаро бизнес маркази» ташаббуси билан пойтахтда савдо-саноат ярмаркаси ташкил этилади. Шу муносабат билан ушбу кўргазма ташкилотчиларининг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари — Истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасининг бошлиғи, Ярмаркани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўмитанинг раиси Ботир Хўжаевнинг таъкидлашича, бу тадбирда 85 та давлат, кичик, қўшма ва хусусий корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашади. Унда, шунингдек, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, «Ўзкабель», «Компрессор», «Подъёмник», «Фотон», «Тошқишлоқмаш», «Қизил тонг», «Юлдуз», «Малика», «Совпластитал», «Пент ўз», «Ист-Баттерфляй» каби йирик корхоналар ҳам иштирок этиб, республикамиз оғир ва енгил саноатида қўлга киритилган ютуқларни намойиш қиладилар.

Айни чоғда кўргазмага инвестиция лойиҳалари, илмий ишланмалар қўйилади. Унга хориждаги бир қатор фирмаларнинг раҳбарлари ҳам таклиф этилган.

Хуллас, мазкур савдо-саноат ярмаркасини ўтказишдан мақсад битта: у ҳам бўлса — талаб ва эҳтиёжни ўрганиш ҳамда ишбилармонлар билан корхоналар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан иборат.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Йиллар ўтиши билан жаҳон ва қитъа чемпионлари номи ёнида собиқ деган сўз пайдо бўлади. Бу сўзнинг кишига қанчалар оғир ботишини бир пайтлар жаҳон ва қитъа чемпионатларининг энг юқори чўққисига кўтарилган чемпионлардан сўранг. Олимпиада чемпионлари ҳақида сўз борганда эса бу сўз йиллар ўтса-да, ўз-ўзидан ғолиблар номи ёнидан тушиб қолаверади. Улар «Собиқ Олимпиада чемпиони» эмас, балки доимо «Олимпиада чемпиони», деб аталадилар.***

# АТЛАНТА САРИ ИККИНЧИ ҚАДАМ

Шунинг учун ҳам Олимпиада чемпионлиги учун спортчилар ва жамоалар ўртасида бошқа мусобақалардагига нисбатан кескин кураш боради. Шу боис Олимпиада ўйинлари мафтункор, жозибакор бўлиб, ер юзи спортсеварлари томонидан ўзгача интиқлик билан кутилади.

Келгуси йили Американинг Атланта шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз спортчилари биринчи марта мустақил Ўзбекистон байроғи остида майдонга чиқишади. Улар орасида футболчиларимизни ҳам кўрамизми ё йўқми? Бундан 20 кун муқаддам футболимиз тарихида илк марта Олимпиаданинг саралаш босқич ўйинларига киришган олимпия терма жамоамиз шанба куни иккинчи учрашувни ўтказиб, Атланта ўйингоҳларига чиқиш учун жиддий киришганликларини кўрсатишди.

Умуман, келгуси йили Атлантада жаҳоннинг энг кучли 16 жамоаси Олимпиада чемпионлиги учун ўзаро баҳслашади. Ҳозирча ушбу 16 жамоадан бири аниқ. У майдон эгаси сифатида саралаш босқичларидан озод қилинган АҚШ олимпия терма жамоасидир. Қолган 15 йўлланма учун жаҳоннинг 121 мамлакат олимпия терма жамоалари кураш олиб боришади. Ўн беш йўлланмадан учтаси аллақачон саралаш баҳсларига киришишган Осиё қитъасининг 25 жамоаси учун атал-ган. Хўш, ўша учта бахтли жамоа орасида Ўзбекистон бўладими, йўқми? Бунинг учун босиб ўтилажак йўлга бирров назар ташласак зарар қилмайди.

Осиё қитъасининг 25 жамоаси айни кунларда саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш баҳсларида қатнашаяпти. Қуръа жамоаларни гуруҳларга қуйидагича тақсимлаган:

«А» гуруҳи: Хитой, Сингапур, Малайзия.

«В» гуруҳи: Япония, Тайвань, Таиланд.

«С» гуруҳи: Корея, Гонконг, Индонезия.

«Д» гуруҳи: Ҳиндистон, Уммон, Покистон.

«Е» гуруҳи: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон.

«F» гуруҳи: Қувайт, Саудия Арабистони, Сурия.

«Ж» гуруҳи: Эрон, Туркманистон, БАА.

«Н» гуруҳи: Ироқ, Иордания, Катар.

Ҳар бир гуруҳдан фақат ғолибларгина кейинги босқичга йўлланма олади. Улар икки гуруҳга тўрттадан бўлинган ҳолда баҳслашишади. Шундан сўнг биринчи гуруҳ ғолиби иккинчи гуруҳда иккинчи ўринни олган жамоа билан, иккинчи гуруҳ ғолиби эса биринчи гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган жамоа билан куч синашади. Бу учрашувларнинг ғолиблари Атлантага йўлланмани қўлга киритишади. Мағлубиятга учраган жамоалар эса учинчи йўлланма тақдирини ҳал қилиш учун яна майдонга чиқишади.

Мухлисларга яхши маълумки, олимпия терма жамоамиз ўз тарихидаги биринчи расмий учрашувни Бишкекда ўтказиб, майдон эгалари устидан 5:1 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Шанба куни эса йигирма кун олдин ўз майдонида қозоғистонликларга 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйган Тожикистон олимпия терма жамоаси футболчиларимиз рақиби бўлди. Мураббийларимизнинг учрашувдан сўнгги матбуот конференциясида айтишларига қараганда, жамоамиз тожикистонлик футболчиларга қарши учрашувда ҳамма имкониятларни ишга солмаган. Гуруҳда асосий рақиб Қозоғистон олимпия терма жамоаси ҳисобланаётганлиги сабабли баъзи бир қўшимча кучларни 24 июнда ўтказиладиган учрашув учун сақлашга тўғри келди. Шундай бўлишига қарамай, олимпия терма жамоамиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни Н. Қуттибоев (60) ва М. Қурбонов (85) киритишди. Икки турдан сўнг гуруҳдаги вазият қуйидагича:




| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 2 | 2 | 0 | 0 | 7:1 | 6 |
| Қозоғистон | 2 | 1 | 1 | 0 | 5:2 | 4 |
| Қирғизистон | 2 | 0 | 1 | 1 | 3:7 | 1 |
| Тожикистон | 2 | 0 | 0 | 2 | 0:5 | 0 |

Саралаш учрашувларида фақат 1973 йил 1 январдан кейин туғилган футболчилар тўп суриши керак. Олимпиаданинг Атлантада ўтказилган финал қисмида эса 23 ёшдан катта бўлган уч футболчининг (ҳимоячи, ярим ҳимоячи ва ҳужумчи) майдонга тушишига рухсат берилади.

Олимпия терма жамоамиз қатнашаётган «Е» гуруҳи ўйинлари қайси кунлари ўтказилиши футболсеварларимизни қизиқтириши табиий. **24 ИЮНЬ. Тожикистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Қозоғистон 2 СЕНТЯБРЬ. Қозоғистон — Қирғизистон, Тожикистон — Ўзбекистон. 3 ОКТЯБРЬ. Қирғизистон — Тожикистон, Қозоғистон — Ўзбекистон.**

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий мажлисида (1995 йил 8 июнда) ЎРФА ҳақиқий аъзолигига ва мухбир аъзолигига қуйидагилар сайландилар

### ХАҚИҚИЙ АЪЗОЛАР (АКАДЕМИКЛАР):

Функция назарияси **САДУЛЛАЕВ** АЗИМБОЙ

Оператор алгебраларнинг назарияси **АЮПОВ** ШАВКАТ АБДУЛЛАЕВИЧ

Юқори энергиялар физикаси **ҒУЛОМОВ** ҚОДИР ҒАФУРОВИЧ

Физикавий электроника **РАСУЛЕВ** ЎТКИР ҲАСАНОВИЧ

Тўлқин жараёнларининг назарияси ва солитонлар **МУСАХОНОВ** МИРЗАЮСУФ МИРЗАМАҲМУДОВИЧ

Қувватли лазерлар физикаси **АШУРОВ** МУҲСИНЖОН ХУРАМОВИЧ

Туташ мухитлар механикаси **МУБОРАКОВ** ЁРМУҲАММАД НУРУПОВИЧ

Асбобсозликда ишлатиладиган материалларнинг технологияси ва ускуналар. **РАЖАБОВ** ТЕЛЬМАН ДАДАЕВИЧ

Юқори температурали қуёш иншоотларида гелиоматериалшунослик **РИСҚИЕВ** ТЎХТАПЎЛАТ ТУРСУНОВИЧ

Петрология **ДОЛИМОВ** ТЎРАБЕК НУЪМОНОВИЧ

Геологияда математик ва физикавий-кимёвий усуллар **УСМОНОВ** ФАЙЗУЛЛА АСАДУЛЛАЕВИЧ

Элементоорганик бирикмалар кимёси **АБДУВАҲОБОВ** АБДУВАЛИ АБДУСАМАТОВИЧ

Ноорганик кимё **ПАРПИЕВ** НУСРАТ АЪЗАМОВИЧ

Пластик масса ва ойна пластикларининг технологияси ва қайта ишланиши **МИРКОМИЛОВ** ТЎЛҚИН МИРОМИЛОВИЧ

Доривор бирикмаларнинг кимё технологияси **ОРИПОВ** ҲАМИДИЛЛА НИҒМАТОВИЧ

Токсинлар кимёси **СОЛИҲОВ** ШАВКАТ ИСМОИЛОВИЧ

Активацион таҳлил **ҒАНИЕВ** АБДУАЛИ

Молекуляр генетика **АБДУЛЛАЕВ** АБДУМАВЛОН

Биомакромолекулаларнинг спектроскопияси **ОРИПОВ** ТОҲИР ФОТИҲОВИЧ

Экология (ҚОРАҚАЛПОҚ БЎЛИМИ УЧУН) ЕШЧАНОВ **ТУРСУНБОЙ** БОЙЖОНОВИЧ

Кардиология **ЙЎЛДОШЕВ** КАРИМ ЙЎЛДОШЕВИЧ

Хирургия **КАРИМОВ** ШАВКАТ ИБРОҲИМОВИЧ

Акушерлик ва гинекология (САМАРҚАНД БЎЛИМИ УЧУН) **ЗОКИРОВ** ИСЛОМ ЗОҲИДОВИЧ

Иқтисод **ШАРИФХЎЖАЕВ** МУРОД, **ҒУЛОМОВ** САИДАҲРОР САИДАҲМЕДОВИЧ

Тарих (Ўрта Шарқда товар-пул муомаласи) **РТВЕЛАДЗЕ** ЭДВАРД ВАСИЛЬЕВИЧ

Манбаъшунослик (қадимий туркий ёзув ёдгорликлари) **РУСТАМОВ** АЛИБЕК РУСТАМБЕК

Археология (САМАРҚАНД БЎЛИМИ УЧУН) **БУРЯКОВ** ЮРИЙ ФЁДОРОВИЧ

Тилшунослик (ҚОРАҚАЛПОҚ БЎЛИМИ УЧУН) ДАУЛЕТОВ АБАТБАЙ

Манбаъшунослик **АХМЕДОВ** БЎРИ АХМЕДОВИЧ, **ҚАЮМОВ** АЗИЗХОН ПЎЛАТОВИЧ

Адабиётшунослик **СУЛТОНОВ** ИЗЗАТ ОТАХОНОВИЧ

Адабиётшунослик, манбаъшунослик **КАРИМОВ** УБАЙДУЛЛА ИСРОИЛОВИЧ

### МУХБИР АЪЗОЛАР:

Иммунология, аллергология, вирусология **АБДУЛЛАХЎЖАЕВА** МАЛИКА САМАТОВНА

Фтизиатрия ва пульмонология **УБАЙДУЛЛАЕВ** АБДУЛЛА МУҲАРРАМОВИЧ

Радиология ва онкология МУРОДХЎЖАЕВ НАРИМОН ҚОДИРОВИЧ

Неврология **МАЖИДОВ** НАБИ МАЖИДОВИЧ

Педиатрия (инфекцион касалликлар) **ДАМИНОВ** ТУРҒУНПЎЛАТ ОБИДОВИЧ



***Тошкент 1-шаҳар клиник шифохонаси ҳамшираси Лобар Қосимова бу йил Тошкент тиббиёт институтига имтиҳонсиз қабул қилинади. Сабаби: у ўтган йили пойтахтда ўтказилган «Ҳамшира-94» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган эди.***

***СУРАТДА: «Ҳамшира-94» кўрик-танлови ғолибаси Лобар Қосимова.***

**С. МУСАЕВ тасвирга олган.**


## ЎЗМАРКАЗБАНК БИЛДИРАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 2 июнидаги 204-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича Марказий банк ва тижорат банкларининг мутахассислари барча вилоятларда банк, корхона ва ташкилотлар ходимлари учун семинарлар ўтказмоқдалар.***

***Марказий банкда вексель муомаласини ташкил қилиш бўйича бошқарма тузилди ва унда доимий маслаҳат маркази ишламоқда. Керакли маслаҳат ва хабарларни 36-22-81 рақамли телефон орқали ва шунингдек Ўзмарказбанкнинг қимматбаҳо қоғозлар бошқармасидан (237 ва 437-хоналар) олиш мумкин.***

Янгийўл «Лаззат» ҳиссадорлик қандолат ишлаб чиқариш жамияти

**Барча ташкилотларга мулкчилик шаклидан қатъий назар 35 хилдан ортиқ турдаги қандолат маҳсулотлар:**

**печенье, вафли, карамель, қиём қатламли ширинликларни бозор нархидан 45 фоиз арзон баҳода сотади**

*Маҳсулот ҳақи нақд пулсиз-пул ўтказиш йўли билан тўланади*

Лаззат

Жамият манзилгоҳи :Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Лаззат» кўчаси, 1 уй

Телефонлар : Тошкент учун ( 8-260), Республика учун (8-37160) 73892, 75050, 74961, 74962, Факс: 56878, 56759

## ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

папка-регистрларни ва нусха олиш, ёзиш машиналарининг ҳамма турлари учун юқори сифатли қоғозни (1 варағи 80гр., пачкада 500 варақ, Copy-Paper Din A4, Германия маҳсулоти).

Тўловингизни нақд пул ёки бухгалтерия орқали пул кўчириш усулида бажаришингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси,
16а-уй, 204-хона
Тел.: 39-45-57




## ЖАМОА ВА ШАХСИЙ ЧОРВА МОЛЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Сўнгги пайтларда чорва ҳайвонларини темир йўл атрофида назоратсиз боқиш, темир йўл устидан ҳайдаб ўтиш ҳоллари кўп қайд этилмоқда ва бу Ўзбекистон темир йўлида поездлар қатновига хавф туғдирмоқда. Темир йўлдан чорвани олиб ўтиш ёки уларни боқишга маъсул бўлган шахслар амалдаги қоидаларни қўпол равишда бузмоқдалар.***

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ — АКЦИОНЕРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:**

***Темир йўл кесишмаларидан ва чорвани олиб ўтиш учун махсус жойлардан ташқарида чорвани темир йўл устидан ҳайдаб ўтиш мутлақо тақиқланади. Темир йўл кесишмаларидан ва махсус ўтиш жойларидан чорвани ҳайдаб ўтганлар ҳайвонларнинг темир йўлга чиқиб олишига йўл қўймасликлари керак.***

***Чорвани ҳайдаб борувчилар кесишмага ёки махсус ўтиш жойига яқинлашганларида ўта эҳтиёт ва ҳушёр бўлишлари керак. «Шлагбаумли темир йўл кесишмаси», «Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси», «Бир йўлакли темир йўл «ёки» Кўп йўлакли темир йўл» каби йўл белгиларига риоя қилишлари зарур. Овозли ва рангли сигнализацияларга, шлагбаумларнинг ҳолатига, кесишма буйича навбатчининг кўрсатмаларига, «Поезддан сақлан» каби кўрсатмаларга амал қилишлари шарт.***

***Кесишма бўйича навбатчи ёки йўл бўлими бошқа хизматчиларининг кўрсатмалари чорва ҳайдаб ўтаётган шахслар учун мажбурийдир.***

***Қоронғи тушганда ва кундузи туман, ёмғир, шамол бўлаётган пайтда темир йўлдан ёки темир йўл ёқалаб чорвани олиб ўтиш тақиқланади.***

***Темир йўл кесишмасидан ва махсус ўтиш жойларидан оммавий равишда чорвани (500 бошдан ортиқ) олиб ўтаётган шахслар жойлардаги темир йўл мутасаддиларини олдиндан огоҳлантиришлари шарт.***

***Темир йўлга 300 метр яқинликда чорва боқиш фақат боғланган ҳолда 2000 метр яқинликда боқиш эса фақат доимий назорат остида рухсат берилади.***

***Чорвани боқиш ва ҳайдаб ўтиш қоидаларини бузган шахслар амалдаги қонунларга кўра жавобгарликка тортиладилар.***

***«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик темир йўл компанияси маъмурияти.***

## ЭЪЛОН!

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги «FUTURE» (Келажак) Халқаро бизнес мактаби — олий мактаблараро марказ ёзги мактабига танлов асосида талабалар қабул қилади.*

*Мактаб ўз фаолиятини 28 июндан 10 августгача университетнинг «Иқтисодчи» соғломлаштириш (Чорвоқ, Юсуфхона) зонасида олиб боради.*

*Дарслар фақат инглиз тилида бўлиб, уларни хорижий мамлакат профессор-ўқитувчилари олиб боришади.*

***Дарслар қуйидаги фанлардан ўтказилади:***

- *маркетинг*
- *менежмент*
- *молияни бошқариш*
- *экономикс*
- *эккаунтинг (бухгалтерия ҳисоби)*
- *инглиз тили*

*Мактабга кириш тестлари ҳар бир ўқув юртлари бўйича график асосида 1 — 20 июнгача ўтказилади (университет маъмурий биносида — Ўзбекистон кўчаси, 49-уй. «Халқлар дўстлиги» ёки «Ўзбекистон» метроси).*

*Йўлланма нархи тестлар натижасига боғлиқ.*

*Тестга қатнашиш учун қуйидагилар зарур:*

*1. Институт раҳбарияти томонидан йўлланма.*

*2. Зачет китобчаси.*

***Бизнинг тел. 45-46-63.***

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг жамоаси Федерация кенгашининг масъул ходими Р. А. Тожихўжаевга волидаи муҳтарамалари

**Ҳабибахон ая ТОЖИХЎЖАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси марказий қўмита раиси Д. Л. Алимхўжаевага онаси

**Зумрат ҒУЛОМОВНАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг жамоаси Федерация кенгашининг масъул ходими А. А. Муҳаммаджоновга падари бузруквори

**Аҳмад ота МУҲАММАДЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг раиси Ж. Л. Алимхўжаевага волидаи муҳтарамаси

**Зумрад ая ҚЎҚОНБОЕВАнинг**

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.**
**Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0255. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**

**Босишга топшириш вақти—21.00**
**Босишга топширилди — 21.20.**

1 2 3 4 5 6